

ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИ ТЕЗКОР-ҚИДИРУВ ФАОЛИЯТИДА ТЕЗКОР-ҚИДИРУВ ФАОЛИЯТИ НАТИЖАЛАРИДАН ФЙДАЛАНИШНИНГ АҲАМИЯТИ

Ф.Б.Бобомуродов*

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7569216>

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, ички ишлар органларининг тезкор-қидирув фаолиятида жиноят-процессуал ҳуқуқий муносабатлар муҳим ҳисобланиб, ушбу муносабатлар жиноят содир этилганлиги ҳақида ариза ва хабар келиб тушган вақтдан бошлаб, жиноят процессининг барча босқич-ларида жиноятни фoш этишга қаратилган тезкор-қидирув тадбирлари ва тергов ҳаракатларини амалга ошириш жараёнида юзага келади. Яъни, тезкор-қидирув фаолиятининг натижаларидан процессуал қарорлар қабул қилишда яъни, жиноят ишини кўзғатишдан рад этиш, жиноят ишини кўзғатиб, суриштирув ва тергов жиноят ишларини юритишда фойдаланиш тезкор-қидирув фаолияти ва жиноят-процессуал ҳуқуқий муносабатларни вужудга келтиради.

Хорижлик ҳуқуқшунос олимлар тезкор-қидирув фаолиятида жиноят-процессуал ҳуқуқий муносабатлар тезкор-қидирув фаолияти натижаларидан терговга қадар текширув, жиноят процессининг турли (ишни судга қадар юритиш ва суд) босқичларида фойдаланиш натижасида юзага келади деб ҳисоблашади.

Хусусан, М.П.Котухов, Н.В.Изотовалар, тезкор-қидирув фаолиятида жиноят-процессуал ҳуқуқий муносабатлар асосан жинoий суд ишларини юритиш чоғида тезкор-қидирув маълумотларни далил сифатида тақдим этилиши яъни, исботлаш жараёнини таъминлаш воситаси сифатида тезкор-қидирув тадбирларнинг ўтказилишида намоён бўлади деб таъкидлашади¹.

Р.С.Рыжов фикрича, тезкор-қидирув фаолиятида жиноят-процессуал ҳуқуқий муносабатлар муҳим ҳуқуқий институтлар бири ҳисобланиб, тезкор-қидирув фаолияти натижалари асосида тақдим этилган ҳужжатлар жиноят ишини юритишга масъул бўлган давлат органлари, мансабдор шахслар учун камёб, нодир бўлган “тайёрланган ахборот маҳсулотидир” мазмунидаги фикрларни баён этиб, “тергов ҳаракатларини ўтказишга тайёргарлик кўришда тезкор-қидирув фаолияти натижаларидан фойдаланиш” номли нормани жиноят-процессуал қонунчиликка киритиш таклифини билдиради².

Тергов ҳаракатларига тайёргарлик кўриш ва ўтказишда тезкор-қидирув фаолиятининг натижасидан фойдаланиш тактикаси (келиб чиқиши, назария ва амалиёт) ҳақида илмий изланишлар олиб борган М.Г.Шананин фикрича, тезкор-қидирув фаолиятида жиноят-процессуал ҳуқуқий муносабатлар тезкор-қидирув фаолиятининг субъекти томонидан тезкор-қидирув ҳаракат, тадбир, операциялар натижасида олинган ва қайд

* Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси тезкор-қидирув фаолияти кафедрасининг мустақил изланувчиси, юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD).

¹ Котухов М.П. Перевод результатов оперативно-розыскной деятельности в доказательства: Дис. ... д-ра юрид. наук. – Казань., 2001. – С.177. (231с.); Изотова Н.В. Использование оперативно-розыскной информации в обеспечении доказывания в уголовном судопроизводстве: Автореф. дис. ... канд. юрид.наук. – Воронеж-2003 24 с.

² Рыжов Р.С. Использование результатов оперативно-разыскной деятельности в уголовном процессе как правовой институт: Автореф. дис. ... канд. юрид.наук. – Нижний Новгород 2004. 32 с.

этилган тезкор хизмат хужжатлари жиноят-процессуал ва тезкор-қидирув фаолияти қонунчилиги тартиби асосида расмийлаштирилган вақтда вужудга келишини, шу боис тезкор-қидирув фаолиятида жиноят-процессуал муносабатларнинг ҳуқуқий асослари мустаҳкамланиши учун “Тезкор-қидирув фаолияти натижаларини суриштирув органи, терговчи, прокурор ва судга тақдим қилиш ҳақида”ги мукаммал қўлланма ишлаб чиқиш лозимлигини таъкидлайди³.

Жиноят ишларини судгача юритиш босқичида исботлашнинг тезкор-қидирув фаолияти натижаларидан фойдаланишнинг процессуал тартиби ҳақида илмий иш олиб борган Д.М.Клёнов фикрича, тезкор-қидирув фаолиятида жиноят-процессуал муносабатлар жиноятларни аниқлаш, фош этиш, тергов қилиш билан боғлиқ тезкор-қидирув тадбирларни ўтказишда ва процессуал хужжатларни тузишда намоён бўлади деб ҳисоблайди⁴.

В.Ю.Сафонов фикрича, тезкор-қидирув фаолияти соҳасидаги жиноят-процессуал ҳуқуқий муносабатлар жиноят ишини судгача юритиш босқичида юзага келиши, жиноят ишига доир тезкор-қидирув фаолиятининг натижалари процессуал далиллар йиғиш талабига тўла жавоб бериш лозимлигини таъкидлайди⁵.

А.Л.Аганесяннинг таъкидлашича, тезкор-қидирув фаолиятида жиноят-процессуал ҳуқуқий муносабатлар тезкор-қидирув ва жиноят процессининг муҳим вазифаларини ҳал этишга, масалан жиноятларни тезда ва тўла очиш, қидирув ишларини амалга ошириш жараёнида юзага келишини таъкидлаб, шу орқали тезкор-қидирув фаолиятида энг асосий ҳуқуқий муносабатлар тартиб солинишини эътироф этади⁶.

И.Ф.Гаскаровнинг фикрига кўра, тезкор-қидирув фаолиятида жиноят-процессуал ҳуқуқий муносабатлар тезкор-қидирув тадбирларини ўтказиш орқали тезкор-қидирув фаолиятининг натижасини суриштирувчи, терговчи, прокурор ва судга тақдим қилиш ҳамда ушбу органларнинг ёзма топшириқларини тезкор ходимлар томонидан бажариш вақтида юзага келади деб ҳисоблайди⁷.

А.Ю.Козловский эса, тезкор-қидирув фаолиятида жиноят-процессуал ҳуқуқий муносабатлар тезкор-қидирув фаолиятининг кучлари, воситалари, шакллари ва усулларида фойдаланиб божхона соҳасидаги жиноятларни аниқлаш, фош этиш ва

³ Шананин М.Г. Тактика использования результатов, оперативно-розыскной деятельности для подготовки и проведения следственных действий (генезис, теория и практика): Автореф. дис. ... канд. юрид.наук. – Санкт-Петербург 2004. 24с.

⁴ Клёнов Д.И. Процессуальный порядок использования результатов оперативно-розыскной деятельности в доказывании на досудебных стадиях производства по уголовным делам: Автореф. дис. ... канд. юрид.наук. – Ижевск – 2005. 24 с.

⁵ Сафонов В.Ю. Правовые предпосылки и этапы реализации результатов оперативно-розыскной деятельности в досудебном производстве: Автореф. дис. ... канд. юрид.наук. – Екатеринбург 2005. 24 с.

⁶ Аганесян А.Л. Теоретические и правовые основы использования результатов оперативно-розыскной деятельности при расследовании преступлений: Автореф. дис. ... канд. юрид.наук. – Владимир 2005. 24 с.

⁷ Гаскаров И.Ф. Тактико-криминалистические особенности использования результатов оперативно-розыскной деятельности в расследовании преступлений: Автореф. дис. ... канд. юрид.наук. – Екатеринбург-2005. 32 с.

тўпланган ҳужжатларни суриштирув ҳамда тергов органларига тақдим этиш жараёнида вужудга келишини таъкидлайди⁸.

Т.П.Родичева фикрича, тезкор-қидирув фаолиятида жиноят-процессуал ҳуқуқий муносабатлар деганда тезкор-қидирув тадбирларини амалга ошириш орқали моддий ва ашёвий далилларни тўплаш ҳамда тезкор-қидирув фаолиятининг натижалари сифатида тўпланган ҳужжатларни суриштирувчи, терговчи, прокурор ва судга тақдим этилишини тушуниш лозим⁹ деган фикрни билдириб, ушбу муносабатларга янада аниқлик киритиш мақсадида тезкор-қидирув фаолиятининг натижасида далилларни тўплаш билан боғлиқ янги қоидани жиноят-процессуал қонунчилигига киритишни таклиф этади.

Д.Г.Шашин фикрича, тезкор-қидирув фаолиятида жиноят-процессуал ҳуқуқий муносабатлар жиноят ишларини тергов қилиш бўйича давлат айбловини қўллаб қувватлашга асос бўлиб хизмат қиладиган тезкор-қидирув фаолиятининг натижаларини акс эттирувчи (масалан, гиёҳвандлик воситаларини ноқонуний ўтказиш ҳолатини расмийлаштириш билан боғлиқ ҳужжатлар: йўлланма хат, хабар, билдирги, текшириш учун харид қилиш тезкор-қидирув тадбирини ўтказиш ҳақида қарор, текшириш учун харид қилиш тезкор-қидирув тадбирини ўтказишдан олдин харидорни шахсий кўздан кечириш ҳақида баённома, текшириш учун харид қилиш ҳақида далолатномаси, текшириш учун харид қилиш тезкор-қидирув тадбири ўтказилганидан сўнг харидорни шахсий кўздан кечириш ҳақида баённома, серия ва рақамлари баённомада қайд этилган пуллар ва тезкор-техника воситаларини кўздан кечириш ва харидорга бериш ҳақида баённома, тезкор-қидирув тадбири ўтказилгани ва жиноят содир этилгани ҳақида билдиргилар, тезкор-қидирув фаолияти натижаларини суриштирувчи, терговчи, прокурор ва судга тақдим этиш ҳақида қарор, давлат сирлари ва уларнинг ташувчиларни махфийлаштириш тўғрисида қарор, гумондорни шахсни кўздан кечириш ва ашёлар, предметларни олиб қўйиш тўғрисида баённома, транспорт воситасини (агарда фойдаланилган бўлса) кўздан кечириш ҳақида баённома, холислар, харидор, гумондор шахслардан олинган тушунтириш хатлари ва бошқ.) тезкор хизмат ҳужжатларини расмийлаштириш вақтида юзага келишини¹⁰, ушбу ҳужжатлар албатта, жиноят-процессуал қонунчилиги талабларига биноан тузилиши лозимлигини таъкидлаб ўтади.

С.Л.Миролюбов фикрича, тезкор-қидирув фаолияти соҳасидаги жиноят-процессуал ҳуқуқий муносабатлар вужудга келиши учун биринчи навбатда тезкор-қидирув

⁸ *Козловский А.Ю.* Использование результатов оперативно-розыскной деятельности в процессе расследования таможенных преступлений: Автореф. дис. ... канд. юрид.наук. – Москва – 2006. 28 с.

⁹ *Родичева Т.П.* Использование результатов оперативно-розыскной деятельности при раскрытии к расследовании преступлений, связанных с незаконным оборотом наркотических средств и психотропных веществ: Автореф. дис. ... канд. юрид.наук. – Москва 2006. 24 с.

¹⁰ *Шашин Д.Г.* Использование результатов оперативно-розыскной деятельности в методике расследования и поддержания государственного обвинения по уголовным делам о незаконном сбыте наркотиков: Автореф. дис. ... канд. юрид.наук. – Иркутск - 2008 22 с.

фаолияти натижаларидан далил сифатида фойдаланиш; тезкор-қидирув фаолияти натижаларини тақдим этиш; тезкор-қидирув фаолияти натижаларини текшириш ва баҳолаш каби нормалар билан жиноят-процессуал қонунчилигини мустақамлаш лозим деб ҳисоблайди¹¹.

Т.В.Зеленская ҳам С.Л.Миролюбовнинг фикрига анча яқин бўлган мулоҳазаларни билдириб, тезкор-қидирув фаолияти соҳасидаги жиноят-процессуал ҳуқуқий муносабатлар тезкор бўлинма ходимининг теровга қадар текширувни амалга ошириб, жиноят-процессуал қонунчилик талабига биноан исбот ва далилларни тўплаш ҳамда суриштирув, тергов органларига тақдим этиш жараёнида юзага келишини таъкилайди¹².

Шунингдек, Э.Х.Пашаева тезкор-қидирув фаолиятида жиноят-процессуал ҳуқуқий муносабатлар процессуал қарорларни қабул қилишда, масалан, гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддаларнинг ноқонуний ўтказилиши билан боғлиқ жиноят ишларини кўзғатиш, жиноят ишини кўзғатишдан рад этиш қарорини қабул қилишда, тезкор-қидирув фаолиятига кўмаклашувчи шахсларни судда махфийлик талабларига риоя қилган ҳолда сўроқ қилиш кабиларда юзага келиши ҳақида фикр билдиради¹³.

А.Ю.Сафронов фикрича, тезкор-қидирув фаолиятида жиноят-процессуал ҳуқуқий муносабатларнинг қонуний тартибга солинмаслиги тезкор-қидирув фаолияти натижаларини; тергов ҳаракатлари баённомаларини; эксперт хулосаларини; ашёвий далил ва бошқа ҳужжатларни сохталаштирилишига, далиллар мақбуллигига зид равишда расмийлаштирилишига олиб келиши мумкин деб таъкилайди¹⁴.

А.Е.Вытовтов фикрича, тезкор-қидирув фаолиятида жиноят-процессуал ҳуқуқий муносабатлар дастлаб жиноят ишларини юритишнинг судгача босқичида 1917 йилдан бошлаб вужудга келган бўлиб, тергов ва полиция хизматининг ваколатларини қисман боғлаган. Кейинчалик суд босқичида ҳам тезкор-қидирув фаолияти соҳасидаги жиноят-процессуал муносабатлар юзага келиб, тезкор ходимлар томонидан атрофдаги воқеликни реал ва идеал қисмини идрок қилган ҳолда суриштирув ва жиноят ишлари учун тўпланган тезкор хизмат ҳужжатлари билан ифодаланишини баён этади¹⁵.

¹¹ *Миролюбов С.Л.* Использование результатов оперативно-розыскной деятельности в доказывании по уголовным делам(на примере преступлений, совершаемых в учреждениях уголовно-исполнительной системы) : Автореф. дис. ... канд. юрид.наук. – Владимир ВЮИ ФСИН России 2012. 22 с.

¹² *Зеленская Т.В.* Соотношение уголовно-процессуальной и оперативно-розыскной деятельности: Автореф. дис. ... канд. юрид.наук. – Иркутск – 2007. 26 с.

¹³ *Пашева Э.Х.* Использование результатов оперативно-розыскной деятельности при принятии процессуальных решений (на примере уголовных дел о незаконном сбыте наркотических средств, психотропных веществ или их аналогов): Автореф. дис. ... канд. юрид.наук. – Томск – 2017. 23 с.

¹⁴ *Сафронов А.Ю.* Расследование фальсификации доказательств по уголовному делу и результатов оперативно-розыскной деятельности: Автореф. дис. ... канд. юрид.наук. – Москва – 2020. 30 с.

¹⁵ *Вытовтов А.Е.* Результаты оперативно-розыскной деятельности как средства доказывания в уголовном судопроизводстве (по материалам уголовных дел экономической направленности): Автореф. дис. ... канд. юрид.наук. – Омск 2020. 24 с.

Жиноят ишлари бўйича тезкор-қидирув фаолияти натижаларидан судда далил сифатида фойдаланиш ҳақида илмий изланишлар олиб борган В.В.Уткин фикрича, бир неча замонавий процессуал усулларда булар: а) жиноят ишини юритишга масъул бўлган давлат органлари, мансабдор шахслар томонидан тузиладиган тергов ҳаракатларига доир ва процессуал ҳужжатлар; б) тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи органнинг тезкор ходимлари ва уларга тезкор-қидирув тадбирларни ўтказишга кўмаклашган шахсларни суриштирув, тергов ва судда фаол гувоҳ тариқасида жалб қилиш орқали тузиладиган ҳужжатлар; в) тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи органнинг тезкор ходимлари томонидан амалга оширилган тезкор-қидирув тадбирлари натижасида олиб қўйилган нарса ва буюмларни яъни, ашёвий далилларни прокурор томонидан судга тақдим қилиш орқали; г) тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи орган тезкор ходимлари томонидан ўтказилган тезкор-қидирув тадбирлари натижасида қайд этилган моддий (тезкор хизмат) ҳужжатлар ҳамда видео- ва аудиоёзув, кино - ва фотосуратга олиш, маълумот ташувчи воситаларни судга тақдим қилиш орқали; д) давлат айбловини қўллаб-қувватловчи прокурорнинг ташаббуси билан иш юзасидан тезкор ходимларга ёзма топшириқ, кўрсатмалар бериш ва олинган маълумотларни судга тақдим қилишида тезкор-қидирув фаолиятида жиноят-процессуал ҳуқуқий муносабатлар вужудга келишини таъкидлайди¹⁶.

Демак, ички ишлар органлари тезкор-қидирув фаолияти соҳасидаги *жиноят-процессуал ҳуқуқий муносабатлар деганда* тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи давлат орган ходимлари томонидан терговга қадар текширув, шунингдек, жиноят процессининг ишни судга қадар юритиш ва суд босқичларида ижтимоий хавfli қилмиш (ҳаракат ёки ҳаракатсизлик)ни содир этган айбдор шахснинг қилмишини тўлиқ фош этиш билан боғлиқ далилларни тўплашга қаратилган тезкор-қидирув тадбирларни ўтказилиши ҳамда тезкор-қидирув фаолиятининг натижаларини қонунчилик талаблари асосида расмийлаштиришга айтилади.

Жиноят иши бўйича процессуал ҳаракат бунга ҳуқуқи бўлмаган шахс томонидан қўйидаги ҳолларда далил олишда намоён бўлади: суриштирувчи, терговчи ёки прокурорнинг ёзма топшириғисиз терговга қадар текширув ёки тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи орган томонидан; ишни белгиланган тартибда ўз юритувига қабул қилмаган ёки тергов (суриштирувчилар) гуруҳига киритилмаган терговчи (суриштирувчи) томонидан; ЖПК 76-моддасида назарда тутилган асослар бўйича рад этилиши лозим бўлган шахс томонидан. Далил, агар у номаълум манбадан ёхуд жиноят ишини юритиш жараёнида аниқлаш мумкин бўлмаган, жумладан, қонунда назарда тутилмаган манбадан, масалан қонун ҳужжат-ларида белгиланган тартибда расмийлаштирилмаган тезкор-қидирув тадбири давомида олинган яъни, Ўзбекистон Республикасининг «Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида»ги Қонунида назарда

¹⁶ Уткин В.В. *Использование в судебном доказывании по уголовным делам результатов оперативно-розыскной деятельности: Автореф. дис. ... канд. юрид.наук. – Нижний Новгород – 2020. 35 с.*

тутилган талаблар бузилган ҳолда тўпланган далиллар мақбул эмас¹⁷деб ҳисобланади. Ички ишлар органлари тезкор-қидирув фаолиятида тезкор-қидирув фаолятининг натижалари далил-лар мақбуллигига мос бўлиши лозим.

Хулоса ўрнида шуни айтиш жоизки, ички ишлар органлари тезкор-қидирув фаолиятида тезкор-қидирув фаолияти натижаларидан фойдаланиш жиноят процессининг ишни судга қадар ва суд босқичида қонуний қарор қабул қилишда йўналиш вазифасини бажариб, тезкор ходимлар иш фаолиятини Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси талаблари асосида ташкил этишга хизмат қилади.

References:

¹⁷ Ўзбекистон Республикаси Олий Суди пленумининг 2018 йил 24 августдаги 24-сон “Далиллар мақбуллигига оид жиноят-процессуал қонуни нормаларини қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида”ги қарори // <https://lex.uz/docs/3895986> (мурожаат вақти: 26.11.2022)